# Наврўз айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!


# КУЧ — АДОЛАТДА

2015 йил
22 март,
якшанба
№ 11 (524)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда табиат уйғониб, баҳор келиши билан она юртимиз — Ўзбекистонимиз заминига Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ҳаммамиз орзиқиб кутадиган, янгиланиш ва яшариш, шодү хуррамлик рамзи бўлган ана шундай энг кўҳна, олижаноб байрам билан сиз, азизларимни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошларим!

Барчамизга маълум, дунёда бир-биридан буюк, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп. Лекин улар орасида Наврўз айёми ўзининг қадимийлиги, табиатимизга уйғунлиги ва гўзаллиги билан, маъно-мазмунининг теранлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Ва айни шуниг учун ҳам уйғониш ва яшариш тимсоли бўлмиш бу буюк айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада бағрини кенг очиб, **"Хуш келибсан ўлкамизга Наврўз, қадаминг қутлуғ бўлсин!"** деб, энг катта орзу-ниятлар билан кутиб оладилар.

Ҳақиқатан ҳам, минг йиллар аввал — "Авесто" даврида пайдо бўлган Наврўзи олам бизнинг халқимиз учун энг кўҳна, асл миллий, шарқона янги йил дебочаси сифатида доимо соғиниб, ардоқлаб қарши оладиган, ҳар қайси уйга шодлик ва хурсандчилик олиб келиши, ўша замонлардан буён халқимизга мансуб бўлган анъана ва қадриятларни безавол сақлаб келиши билан **барчамизга қадрли ва азиздир.**

Кўклам айёми келиши билан аждодларимиз, ота-боболаримиз ризқу рўзини тилаб, қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, ям-яшил адирларда от чоптириб, Наврўз сайилларини ўтказгани худди кечагидек бўлиб туюлади ва барчамизни беихтиёр ана шу байрамона кайфиятга берилиб кетишга ундайди.

Айни шу кунларда маҳалла-кўй дошқозонлар атрофида жамулжам бўлиб, айёларимиз, момоларимиз тунни тун демасдан, ҳеч чарчамасдан, эзгу ният, завқ ва хурсандчилик билан **инсонга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ неъматларни тайёрлаб,** уларни ўз оиласи ва дўсту биродарлари билан баҳам кўриши каби ота-боболаримиз, аждодларимиздан қолган бетакрор анъана ва одатларимиз юртимизга, уйларимизга кириб қолгандек, ўзимизни эса атроф-табиатимизнинг ажралмас бир қисмидек ҳис қиламиз.

Ана шу дилбар фаслда инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтож бўлганларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби ноёб фазилатлар албатта одамнинг кўнглини юмшатади, доим яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди.

Наврўзи оламнинг яна бир бетакрор хислати борки, у ҳар қайси уй, ҳар қайси юртда, бутун ер юзида тинчлик ва осойишталик бўлишига даъват этади.

Бу айёмда турли гина ва аразлар унутилади, уруш ва жанжаллар тўхтайди, муросаи мадора, аҳиллик, одамийлик қарор топади.

Азиз юртдошлар, қадрдонларим!

Шулар ҳақида гапирганда, Наврўзнинг бундай ўлмас ғоялари, руҳи ва фалсафаси ҳозирги кунда тобора кучайиб бораётган қарама-қаршиликларни, турли можаро ва урушларни фақатгина сиёсий ва тинчлик йўли билан ечиш кераклигига даъват этишини, уни айнан бугунги ҳаётимизнинг энг ўткир, энг долзарб муаммолари билан узвий боғланганини яна бир бор тасдиқлаб беради.

Бизга, ўзбек халқига нима керак — тинчлик ва омонлик керак, деган даъват эл-юртимиз орасида тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг асосий маъноси — бугунги нотинч, кескинлашиб бораётган замон барчамиздан ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этаётганини, тинч ва осуда ҳаёт учун, мана шу мусаффо осмон учун курашиш, бутун дунё билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшашни билдиради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги Наврўз шодиёнамизда иштирок этаётган барча чет эллик меҳмонларимизга, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан чуқур ҳурмат ва миннатдорлик билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Бугун катта умид ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган, ўз фикрига, замонавий билимга эга, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган сиз, навқирон ўғил-қизларимизга, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: **биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!**

**Кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!**

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барча-барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги гўзал айём билан қутлаб, қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!




## ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗДЕК ЗАВҚЛИ БЎЛСИН

### Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

Баҳорни севмайдиган, соғиниб кутмайдиган одам бўлмаса керак. Чунки у оламга илиқлик, тиниқлик олиб келади. Қуёш чарақлаб кўнгилларни ёриштиради. Табиат уйғониб, атроф гўзалликка буркаҳади. Қушлар чуғури жилғалар овозига жўр бўлади. Майин шаббода гулларнинг тотини олиб қочади...

Баҳор севимли ва ардоқли байрамимиз Наврўзни бошлаб келади.

Давлатимиз раҳбарининг "2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар ва янги умидлар билан кутиб олмоқда. Шундай фаровон кунларга, байрамларга етганига шукроналар айтиб, хурсандчилик қилмоқда.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук кексалар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Президентимиз халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Майдон узра ҳаёт мўъжизаси — табиат уйғонишини мадҳ этувчи наво таралади. Улкан мониторларда юртимизнинг гўзал манзаралари — ям-яшил боғлар, пурвиқор тоғлар, замонавий иншоотлар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намоён бўлади.

Юракларни энтиктириб қадим ва қадрдон наволар янграйди. Миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, аждодларимиз маънавиятини мужассам этиб асрлар қаъридан келади бу қўшиқ.

Истиқлол йилларида халқимизнинг бой қадриятлари, маънавий ва маданий мероси тикланди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий ва бошқа улуғ боболаримизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк аждодларимиз қадамжолари обод этилди, ҳаёти ва бебаҳо мероси ўрганилмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари муаззам шаҳарларимиз юбилейи халқаро миқёсда тантана қилинди. "Авесто"нинг 2700 йиллиги, "Алпомиш"нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш асносида тарихимиз янада теран ўрганилди, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдизлари тадқиқ этилди.

2014 йил 15-16 май кунлари Самарқандда ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция дунёда буюк аждодларимизнинг даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша баланд бўлганини кўрсатди. Унда иштирок этган олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари Ўзбекистон алломаларининг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини яна бир бор эътироф этди.

Наврўз мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган. Чунки у тинчлик, омонлик, аҳиллик байрами.

Бу ҳамжиҳатлик байрам сахнасида ҳам ўз ифодасини топади. Турли тилларда куйкўшиқларда юртимиздаги миллатлараро тотувлик, умумбашарий қадриятлар намоён бўлади. Ўзбекистонимизнинг озодлиги ва тинчлиги, халқимизнинг бирлиги ва бағрикенглиги, дўстлик ва муҳаббат тараннум этилади.


(Давоми иккинчи бетда)


*Xabar*

## Халқаро кузатувчиларнинг учрашувлари

**Ўзбекистон Республикаси Олий судида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган халқаро ташкилотларнинг кузатувчилар миссиялари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди.**

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси аъзолари билан учрашувда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани ва уларнинг моҳияти ҳақида сўзлаб берилди.

Мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ сохасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, одил судлов самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятимизда тинчлик-хотиржамликни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани таъкидланди.


(Давоми учинчи бетда)


**Мамлакатимизда изчил давом этаётган ислоҳотлар жараёнида хусусий мулк институтини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш билан бирга, давлат мулкини бошқаришнинг аниқ йўналтирилган ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни вақтда Конституциямиз ҳамда Фуқаролик, Ер, Солиқ, Уй-жой кодекслари, шунингдек, бошқа бир қатор қонунлар давлат мулки билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.**

*Qonun ijodkorligi*

## Давлат мулкини бошқариш тизими

### бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар давлат мулки билан боғлиқ муносабатларнинг барча жиҳатларини тўла қамраб олмаган.

Шу маънода давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида талаблари асосида ишлаб чиқилган "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси соҳадаги бир қатор масалаларнинг ҳуқуқий ечимига қаратилгани билан эътиборга молиқдир.

Бугунги кунда мазкур қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари, экспертлар ва олимлар иштирокида ишчи гуруҳи томонидан иккинчи ўқишга киритиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда.

Айтиш кераккки, қонун лойиҳасининг асосий мақсади давлат мулкини бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Унда давлат мулки, давлат улуши, давлат мулкини бошқариш, давлат унитар корхонаси ва бошқа ассасаси каби тушунчаларга аниқ таъриф берилмоқда.


(Давоми тўртинчи бетда)


*Islohot va samara*

## Инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатли ҳимояси

### суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг бош мақсадидир

**Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилгандир. Шу маънода, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар амалда кутилган самарани бермоқда.**


(Давоми учинчи бетда)

# ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗДЕК ЗАВҚЛИ БЎЛСИН

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Тинч-осойишта элда байрамлар бўлади, ҳаловатли халққа хурсандчилик ярашади. Мамлакатимиз мустақилликнинг илк йилларидан тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда. Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокларда иштирок этмайди. Давлатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда, барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган компаниялар юртимиз билан ҳамкорликка интилмоқда.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самарасида автомобилсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, замонавий маиший техника, компьютер ва мобиль телефонлар ишлаб чиқариш каби янги саноат тармоқларига асос солинди. Озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати корхоналари модернизация қилинди. Бугун уларда тайёрланган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорларини ҳам забт этмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 5 баробардан зиёд ўсди. Аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар кўпайди. Мамлакатимизнинг экспорт ҳажми ва олтин-валюта захиралари барқарор суръатлар билан ошиб бораётгани бугун ривожланган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Жорий йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кутилаётир.

Бу мустақилликнинг илк йилларида асос солинган ва халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган тараққиётнинг "ўзбек модели" самараларидир. Иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги бозор эркинлигини таъминламоқда. Давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши барча соҳаларни изчил ва уйғун ривожлантириш имконини бермоқда. Қонун устуворлиги инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат халқимизга моддий ва маънавий мадад бераётир.

...Саҳнага болакайлар чопиб келади. Майдон шўх-шодон кулгуга тўлади. Уларнинг беғубор чеҳраси, ёниб турган кўзлари, жарангдор куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ бағишлайди.

Халқимиз аввало фарзандлар камолини ўйлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Бу менталитет давлатимиз сиёсати, мамлакатимизнинг стратегик мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур, деган ғоя асосида мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлом бола йили, деб эълон қилинган 2014 йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. "Соғлом она — соғлом бола" лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифохоналар, поликлиникалар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом болаларни дунёга келтириш ва соғлом ўстириш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.



Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Таълим тизими изчил ривожлантирилиб, ёшларимизнинг замонавий асосда билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактабни тамомлаган ёшлар ўрта махсус таълим тизимига, лицей ва коллеж битирувчилари иш ва ўқишнинг кейинги босқичларига тўлиқ қамраб олинмоқда.

2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди.

Ёшларимиз камолоти халқаро мусобақаларда яққол намоён бўлаётир. Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги иккинчи Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз 4 олтин, 3 кумуш, 3 бронза медални қўлга киритди. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 44 медалга сазовор бўлиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

...Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Фольклор-этнографик ансамблларнинг чиқишлари, халқ ўйинлари байрамни янада қизитади. Уларда халқимизнинг бой маданияти, турмуш тарзи ва қадриятлари ўз аксини топади. Куйлар қўшиқларга, қўшиқлар жўшқин рақсларга уланади.

Наврўз қадимдан деҳқончилик мавсумининг бошланиши ҳисобланган. Ота-боболаримиз айни шу паллада эл-юрт дастурхони тўкин бўлсин, деган ниятда ерга барака уруғини сочганлар.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари жорий этилгани, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, уларнинг меҳнатга муносабати юксалгани самарасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи уларни қайта ишлаш, элимиз дастурхонига етказиб беришда муҳим омил бўлаётир.

Бугун бозорларимизда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Дастурхонларимиз тўкин ва фаровон, уйларимиз обод, файзли.

Мамлакатимиздаги бундай фаровонлик, мўл-кўлчиликка бутун дунё ҳавас қилмоқда. 2014 йил 6 июнда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган хорижлик мутахассислар ва ишбилармонлар буни алоҳида эътироф этди.

Ўтган йили мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик ғалла, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этилгани элу юртимизга файзу барака ёғилаётганидан яна бир далолат бўлди.

Бу файзу тароват шаҳару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар Ватанимиз чиройига чирой қўшмоқда. Халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, юртимиз табиатига мос равишда, замонавий муҳандислик коммуникациялари асосида кенг, ёруғ ва қулай этиб қурилган ушбу уй-жойлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда, айниқса, хотин-қизларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга топширилаётган "Камолот" уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун рағбат, катта мадад бўлмоқда.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик барча соҳалар қатори туризм ривожида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий туризм инфратузилмаси ва юқори сифатли хизмат дунё сайёҳларини ўзига жалб этмоқда.

2014 йилнинг октябрида Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилди. Бу халқаро майдонда Ўзбекистон обрўсининг тобора ошиб бораётгани, мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётганининг яна бир далолати бўлди. Ушбу анжуман жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди.

...Байрам тантанаси янада қизийди. Мониторларда улоқ-кўпкари, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, дорбозлик каби элимизнинг завқли анъаналари намойиш этилади. Дошқозонларда тўқчилик, мўл-кўлчилик рамзи сифатида сумалак, ҳалим ва гўжа тайёрланади. Ўланчию лапарчилар Ватан, Наврўз, табиат ҳақида қўшиқлар айтади.

Наврўз фаслида инсон ўзини табиатнинг ажралмас, узвий бир қисми сифатида ҳис этади. Атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини қадрлаб яшаш кераклигини теранроқ англайди.

Халқимиз азалдан табиатни севиб, ардоқлаб яшаган. Мамлакатимизда атроф-муҳитни асраш, барқарор ривожланишга эришиш борасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Урганч шаҳрида "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида ўтказилган халқаро конференция бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Унинг натижалари Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Янгиланиш — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ юртимизда демократик янгиланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди, Конституциямиз ва қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бунинг самарасида сайловларнинг халқаро нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базаси шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ана шундай ривожланган шароитда, демократик принципларга тўла мос равишда ўтди. 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган ушбу тадбирда аҳолининг сиёсий онги ва фаоллиги ортиб бораётгани намоён бўлди.

Шу кунларда халқимиз яна бир муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибди. Мамлакатимизда бу тадбирга катта тайёргарлик кўрилди. Сайлов кампанияси миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда олиб борилмоқда. 29 март куни халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти, фарзандлари келажаги учун овоз беради.

— Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқларининг тарихи туташ, маданияти ўхшаш, — дейди Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Викрам Кумар Дораисвами. — Бундай яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Наврўз шарқона йилбоши ҳисобланади. Шу боис бу кун ўзаро дўстлик ва ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишини ният қилмоқдаман. Бу йил халқларимизга янги-янги муваффақиятлар, бахт ва фаровонлик олиб келсин. Наврўз барчамизга муборак бўлсин.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида тенглик ва тотувлик, меҳру оқибат, хайру саховат мужассам. Наврўз кунларида эл-улус очиқ юз билан бир-биридан хабар олади. Беморлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, кўмакка муҳтожларга беғараз ёрдам бериш кенг тус олади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ёши улуғ инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини асраш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар камолоти йўлида самарали фойдаланиш халқимизнинг эзгу қадриятига айланганини яна бир бор тасдиқлади.

Иқтисодиётимизнинг жадал ва барқарор ривожланаётгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий-курортларда даволанмоқда, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида жорий йилда амалга ошириладиган хайрли ишлар белгилаб берилган. Мазкур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда уларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Наврўз ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам байрамни ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди.

Байрам арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшади, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Майдон узра таралган куй-қўшиқларда Наврўз, Ватан, тинчлик, ёшлик, севги ва садоқат тараннум этилади...

Қиру адирларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далаларда байрам шодиёналари, сайиллар давом этмоқда.

**Анвар САМАДОВ,**
**Дилшод КАРИМОВ,**
*ЎзА мухбирлари*

---

*Maslahat*

# Боланинг ҳимоя ҳуқуқи

## амалдаги қонунчилигимиз асосида кафолатлаб қўйилган

Амалдаги Оила кодексининг 67-моддасида, боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Шунингдек, бола ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қилинадиган суиистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
*Олий суд судьяси*

---

*Istiqlol imkoniyatlari*

# Кассация

**Маълумки, юридик ва жисмоний шахслар қонунга асосан ўзларининг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли.**

Бинобарин, Конституциямизга биноан, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Шу билан бирга, "Судлар тўғрисида"ги қонун ва Фуқаролик-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди. Хусусан, фуқаролик судловини юритишда кассация инстанцияси ваколатларининг кенгайтирилиши орқали юқори босқич судлари томонидан суд қарорлари, шикоят ва протест важларини ҳар томонлама текшириш, қўшимча далил, ҳужжат ва ҳолатларга баҳо бериш имкониятлари яратилди.

Мамлакатимиз фуқаролик-процессуал қонунчилигида кассация тартибида иш юритиш билан боғлиқ ваколатлар тубдан кенгайтирилгани бежиз эмас, албатта. Чунки кассация инстанцияси — қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан юқори турувчи инстанция судига шикоят ёки прокурор томонидан протест келтирилган фуқаролик ишларини мазмунан қайта кўриш ва қуйи инстанция томонидан йўл қўйилган процессуал хатоликларни бартараф этишда ғоятда муҳим ўрин тутади.

Амалдаги Фуқаролик-процессуал кодексининг $348^{1}$-моддасига асосан, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Кассация инстанцияси судлар томонидан одил судловни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик ишларини ҳал қилишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш ва шу орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини янада кучайтиришга қаратилган.

Бу борадаги статистик маълумотларга кўра, 2014 йилда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судларида чиқарилган ҳал қилув қарорларининг сони сезарли даражада ортган бўлса-да, 2013 йилга нисбатан кассация инстанциясида кўрилган шикоят, яъни протестлар сони 751 тадан 755 тага кўпайган, холос. Шундан бекор қилинган ҳал қилув қарорларининг сони 17 тага камайган. Бу эса, ўтган йилда ҳал қилув қарорларининг кассация инстанциясида бекор бўлиши 2013 йилдагига нисбатан 2.4 фоизга яхшиланганидан далолат беради.

Фуқаролик ишларини кассация инстанциясида кўришда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди томонидан иш ҳолатлари ҳамда берилган шикоят ва келтирилган протест важлари ҳар томонлама текширилмоқда. Бунда биринчи босқич судлари тўплаган далил ва ҳужжатлар билан чегараланмасдан, қонунда бегиланган ваколатлар доирасида ишни қонуний ва адолатли ҳал қилишга қаратилган барча процессуал ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилмоқда.

Масалан, даъвогар А.Умаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) жавобгарлар Ю.Тошев, Л.Тошева, Х.Тошев ва 7-сон давлат нотариал идорасига нисбатан олди-сотди шартномасини қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ва уйдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраб судга мурожаат қилган.

Даъвогарнинг даъво талаби туманлараро суднинг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилган. Жавобгарлар эса, мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб, кассация шикояти билан юқори турувчи судга мурожаат қилган.

Айтиш керакки, Фуқаролик процессуал кодексининг $348^{13}$-моддасига кўра, ишни кассация тартибида кўраётганида суд биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини кассация шикояти ва протестдаги важлар ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текширади. Бунда суд янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

*Islohot va samara*

# Инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатли ҳимояси

## суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг бош мақсадидир

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, истиқлол йилларида юртимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат ҳокимиятига айлантиришга қаратилган демократик ислоҳотлар изчиллик билан ҳаётга жорий этилаётганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳақиқатан ҳам, давлатимиз раҳбарининг "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун", деган теран сўзлари бугунги кунда фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда муҳим асос бўлмоқда. Хусусан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг дастлабки босқичида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида зарур институционал ва ҳуқуқий асослар яратилди.

Шу билан бирга, жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича институтлар фаолияти йўлга қўйилди.

Суд жараёнида айблов ва ҳимоя томонлари тенглигини таъминлашнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмлари яратилди. Энг муҳими, Конституциямизда одил судловнинг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, малакали юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқ, айбсизлик презумпцияси ва бошқа конституциявий принциплари ўз ифодасини топди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида, шунингдек, ҳимоя ҳуқуқи янада кучайтирилди. Суднинг назорат функциясини ривожлантирувчи "Хабеас корпус" институти жорий этилди ва унинг кўламини янада кенгайтириш, процессуал-мажбурлов чоралари тизимини либераллаштириш каби муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Янги эҳтиёт чораси — уй қамоғи жорий этилди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришда 2010 йил 12 ноябрда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси катта аҳамият касб этди. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, **Олий Мажлиснинг аввалги таркиби қабул қилган 140 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг 27 таси бевосита мазкур Концепция доирасида ишлаб чиқилган.**

Бу қонунлар, ўз навбатида, қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш борасида муҳим ўрин тутмоқда.

Бинобарин, Концепцияда кўзда тутилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга қаратилган асосий ғоялар асосида суд жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга субъектлар доирасидан чиқарилди. "Хабеас корпус" институти кенгайтирилиб, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш ҳуқуқлари судларнинг ваколатига ўтказилди. Айблов хулосаси суд эмас, прокурор томонидан ўқиб эшиттирилиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, 2012 йил 25 декабрда **"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ҳам Концепция қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, асосий мақсади — процессуал чора-тадбирларни амалга оширишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Президентимизнинг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари қабул қилингани бу борада муҳим қадам бўлди.

Мазкур фармонлар суд тизимининг моддий-техник ва ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилаш, суд ҳокимиятини малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, судлар фаолиятининг сифат ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Айниқса, Президентимизнинг 2014 йил 24 июлда қабул қилинган "Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини алоҳида қайд этиш жоиз. Чунки, мазкур Фармонга мувофиқ, қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги устидан назорат самарадорлигини ошириш мақсадида Бош прокуратура таркибида Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси ташкил этилди. Бу, ҳеч шубҳасиз, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш устидан прокурор назорати асосларини кучайтиришда жиддий қадам бўлди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулиятини ошириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, адвокатура институтини кучайтириш, умуман, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотларнинг самаралари халқаро миқёсда ҳам эътирофга сазовор бўлмоқда.

Хусусан, "The world justice project" халқаро мустақил ташкилоти ўзининг йиллик ҳисоботида дунё миқёсида қонун устуворлигининг таъминланиши индексини эълон қилар экан, унда Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликнинг таъминланиши даражасига юқори баҳо берган. Мазкур ҳужжатда, жумладан, жиноятчиликка қарши кураш, сиёсий зўравонликнинг олдини олиш, давлат ва жамият ҳамкорлиги, мустақил суднинг мавжудлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлиги каби йўналишларда мамлакатимизнинг эришган ютуқларига асосланган ҳолда, халқаро экспертлар томонидан Ўзбекистон тартибот ва хавфсизлик энг яхши таъминланган дунёнинг кучли бешта давлати қаторига киритилган.

Хулоса қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, авваламбор, инсон манфаатлари мужассамдир.

Энг асосийси, бу ҳаётбахш ислоҳотлар миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари бўйича умумэътироф этилган тамойилларига мослаштиришга, жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини мустаҳкам ҳимоя қилиш ҳамда ушбу устувор ҳуқуқларга қатъий риоя этилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Мирвосит УСМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди раисининг ўринбосари*

---

*Xabar*

# Халқаро кузатувчиларнинг учрашувлари

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мамлакатимиз Бош қомуси ва қонун ҳужжатларида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари ўз ифодасини топгани Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг ишончли ҳуқуқий кафолати экани ҳақида сўз юритилди.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси экспертларига мамлакатимиз сайлов қонунчилиги, хусусан, сайлов қонунчилиги бузилган ҳолларда келиб тушиши мумкин бўлган аризаларни кўриб чиқиш масаласи ҳақида сўзлаб берилди.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси вакиллари Мария Кристеле Милли ва Энира Броницкая Ўзбекистон миллий қонунчилигида бўлажак сайловни очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик каби демократик тамойиллар асосида ўтказишни кафолатлайдиган барча ҳуқуқий жараёнлар кўзда тутилганини қайд этди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси вакиллари билан ҳам учрашув ўтказилди. Учрашувда Ўзбекистон судьялар корпуси демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қуришга салмоқли ҳисса қўшаётгани, бу борада қонун устуворлиги, одил судловни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шу жумладан, сайлов ҳуқуқини ҳимоя қилиш принципларига риоя этаётгани таъкидланди.

Учрашувда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани ҳақида ҳам сўз юритилди.

МДҲ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси халқаро стандартларга ва миллий қонунчиликка тўлиқ мувофиқ ўтказилаётганини таъкидлади.

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода билан бўлиб ўтган учрашувда сайлов фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш, шу орқали давлат бошқарувида қатнашишининг энг муҳим шарти экани таъкидланди.**

Мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилгани қайд этилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ва жамият қурилиши, ҳуқуқий тизим, жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу асосда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар сайлов жараёнини либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириши учун мавжуд механизмларни янада мустаҳкамлади.

Сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўймасликка оид қоидаларнинг мустаҳкамлангани сайлов ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтирди.

— Ўзбекистонда сайловларни демократик руҳда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилган, - дейди Евгений Слобода. — Сайлов участкаларида сайловни ўтказиш билан боғлиқ зарур чора-тадбирлар юксак даражада ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Энг муҳими, фуқароларнинг сайловга тайёргарлик кайфияти юқори. Бу уларнинг тинч, фаровон ҳаёт кечираётгани, эртанги кунга бўлган ишончи ифодасидир.

Мамлакатимиз Бош прокуратурасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг элчи Каетана де Зулуета раҳбарлигидаги кузатувчилари миссияси вакиллари билан ҳам учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларидан эркин фойдаланиши борасида барча зарур имкониятлар яратилгани, прокуратура органлари сайлов қонунчилигига риоя этилиши борасида муайян ишларни амалга ошираётгани таъкидланди.

— Ўзбекистонда бундан йигирма йил аввал бўлганман. Ўтган даврда мамлакатингизда жуда катта ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилгани эътиборимни тортди, - дейди Каетана де Зулуета. — Сайлов кампаниясининг боришини кузатишимиз, сайлов қонунчилиги ҳақида батафсил маълумот олишимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Чекка ҳудудлардаги сайлов участкалари фаолияти билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдик. Ҳамма жойда сайловни юқори савияда ўтказиш учун яхши тайёргарлик кўрилган.

**Бобир ОБИДОВ,**
**Норгул АБДУРАИМОВА,**
*ЎзА мухбирлари*

---

*Qonun ko`magi*

# Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари

## қонун доирасида ҳал этилмоқда

**Фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, бир сўз билан айтганда, барча ҳуқуқлари Конституциямиз ва амалдаги қонунчиларимиз асосида кафолатлаб қўйилган.**

Эътиборлиси шундаки, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Жумладан, 2014 йил 4 декабрда юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини белгилаб берувчи "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг амалга киритилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун нафақат фуқаролар, айни чоғда юридик шахсларнинг ҳам мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларни қонун доирасида ҳал этишнинг ҳуқуқий асосини белгилаб бергани билан аҳамиятлидир.

Ушбу қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қатор қулайликлар яратиб берди, десак, хато қилмаймиз. Биргина Наманган вилояти адлия бошқармаси фаолияти мисолида фикр юритадиган бўлсак, бошқарма томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2015 йилнинг ўтган даври мобайнида биргина тадбиркорлик субъектларининг жами 30 та мурожаати кўриб чиқилиб, шундан 19 таси қаноатлантирилди ва 11 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Масалан, Янгиқўрғон туманида фаолият кўрсатаётган "Камоли Муҳрод Нур" хусусий корхонаси раҳбари Р.Раҳимовнинг туман давлат солиқ инспекцияси ходимларининг хатти-ҳаракатидан юзасидан адлия бошқармасига ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, солиқ инпекцияси ходимлари томонидан корхонага нисбатан 4 383 150 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисида Наманган вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилган. Ушбу ҳолат бўйича адлия бошқармаси Янгиқўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан корхонада ўтказилган текшириш тартиби бузилишига йўл қўйилганини инобатга олиб, инспекциянинг молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризасини рад этиш тўғрисида хўжалик судига таклиф киритди.

Вилоят хўжалик суди томонидан ушбу таклиф ўрганиб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида"ги қарорига асосан, 2015 йил 26 январдаги ҳал қилув қарори билан солиқ инспекциясининг тадбиркорлик субъектига нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси рад қилинди.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш лозимки, **"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, шикоят ва таклифларини ўрганиш ва уларни қонун доирасида ҳал этишда ғоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, юртимизда қонунийлик ва қонун устуворлиги тамойилига тўлиқ риоя этиш, пировардида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг муҳим омилидир.

**Д.АҲМЕДОВ,**
*Наманган вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи*

---

# инстанцияси

## суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлашнинг муҳим кафолатидир

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, даъвогар А.Умаров яшайдиган ҳудуддаги фуқаролар йиғинининг қарорига асосан тажриба хўжалиги еридан якка тартибда уй-жой қуриш учун хўжалик ишчи-хизматчиларига, шу жумладан, А.Умаровга 0,06 гектар ер майдони ажратилган.

Ер майдонига эга бўлганларнинг рўйхати тажриба хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшмасининг қарори билан тасдиқланган.

Шу асосда қабул қилинган туман ҳокимининг қарорига биноан, 17-уйга нисбатан А.Умаровнинг мулк ҳуқуқи эътироф этилган.

Сўнгра 7-сонли давлат нотариал идораси томонидан расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига кўра, А.Умаров ушбу қарорга асосан ўзига тегишли бўлган 17-уйни Ю.Тошевга сотган.

Биринчи инстанция суди эса, даъвогар А.Умаров мулки билан боғлиқ низоли олди-сотди шартномасининг ҳуқуқий оқибатларини тўғри тушунмасдан, ўзаро шартнома тузилган, деган тўхтамга келган. Яъни янглишган ҳолда, даъвогарларнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида барвақт хулоса чиқарган.

Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 123-моддасида алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса, бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги **"Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"**ги қарори 10-бандида янглишиш таъсирида тузилган битимга таъриф берилган. Яъни битим юзасидан келиб чиқувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлиш, яъни тарафларнинг ҳақиқий хоҳиш-иродасини акс эттирмасдан, битим тузилган вақтда тарафлар томонидан назарда тутилмаган ҳуқуқий оқибатларга олиб келган битим — янглишиш таъсирида тузилган битим, деб тушунилади.

Янглишиш ҳар хил ҳолатларда бўлиши мумкин. Музокара вақтида тарафлар бир-бирларини тушунмагани, қонунларни нотўғри талқин қилгани, битимнинг ҳуқуқий оқибатларини нотўғри тасаввур этгани ва бошқа шу каби ҳолатлар бунга мисол бўла олади.

Алдаш — бу бир тарафнинг битим тузилишида назарда тутилган ҳолатларнинг юзага келмаслигини била туриб, атайин иккинчи тарафни битим тузишга ундашга қаратилган айбли ҳаракатидир. Алдаш битимнинг элементларига, унинг доирасидан ташқаридаги ҳолатларга, шунингдек, битимни амалга ошириш юзасидан битим иштирокчиси хоҳиш-иродасини шакллантириш учун аҳамиятга эга бўлган сабаб ва мотивларга қаратилган бўлади.

Айтиш керакки, даъвогар А.Умаров ўз даъво талабларини асословчи далилларни судга тақдим қилмаган. Хусусан, унинг олди-сотди шартномасини ўқимасдан шартномага имзо қўйганлиги ҳақидаги важи ишончга сазовор эмас. Бундан ташқари, даъвогар жавобгар Ю.Тошевнинг алдови билан янгилишиб олди-сотди шартномасига имзо қўйганлиги ҳақидаги важларини тасдиқловчи далилларни ҳам судга тақдим қилмаган.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг олди-сотди шартномасини қисман ҳақиқий эмас, деб топиш ва уйдан кўчириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, суд тизимининг кассация инстанцияси суд қарорларининг асосли ва адолатли эканини текшириш билан чегараланиб қолмасдан, одил судловнинг самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**И.БОЛТАХОДЖАЕВА,**
*фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси*

---

*Ehtiyot bo`ling, firibgar!*

# Макр тўри

**Суд очерки**

**Ҳаётда сабр-қаноатли бўлиш, ўзгаларнинг ишончини виждонан оқлаш ва ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратиш инсонни бахт-саодатга олиб борувчи фазилат ҳисобланади. Аксинча, ўз нафсини жиловлай олмай ўзгаларнинг ишончини суиистеъмол қилиш эса, охир-оқибат кишини юзшувит қилади.**

Мухлиса Фармонованинг (исм-шарифлар ўзгартирилди) қилмишларини ҳам бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Гап шундаки, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйган бу аёлнинг қилмишларини эшитган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Чунки у фирибгарлик йўли билан бир неча кишини "чув" туширган.

...Ўша куни Мухлиса гарчи, кечагина танишган бўлса-да, худди эски қадрдонлардай қўнғироқ қилиб, Гулноранинг уйига йўл олди. Улар бир пиёла чой устида бироз суҳбатлашиб ўтиришгач, Мухлиса муддаога ўтди: — Кеча уй олиш учун пул жамғариб юрибман, деган эдингиз. Агар шу пулларингизни қарзга бериб турсангиз, бир неча ой ичида икки баравар қилиб қайтараман, — деди у.

Хонадон бекаси янги танишни Мухлисанинг дадил гапиришини кўриб, "сўзининг устидан чиқадиган аёлга ўхшайди", деган фикрга борди. Уй олишга бироз маблағ етмай турган пайтда беминнат ёрдам қўлини чўзмоқчи бўлган бу аёлга нисбатан меҳри товланиб кетди. Рост-да, пули икки ҳисса кўпайса, нимаси ёмон? Гулнора Мухлисага ишонди ва жамғариб қўйган 31 миллион сўм пулини сумкаси билан унинг олдига қўйди.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

